O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№ 300409

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 28-aprel • Seshanba • 50 (29.011) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган ўз йўли анча аввал ишлаб чиқилган. Бугун ушбу йўлнинг тамойиллари ва механизмлари нафақат мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатларини, балки экстремал вазиятлардан чиқишнинг кафолатини ҳам таъминламоқда».

Ҳозирги пайтда Қашқадарё вилояти саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги технологияларни жорий этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий қувватларнинг ишга туширилиши истеъмол бозорини сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Билими, салоҳияти ва ғайрат-шижоати билан кўпчиликка ибрат бўлаётган тажрибали ишчи-хизматчилар умумий ютуқларга муносиб улуш қўшмоқдалар.

Саноатимиз фидойилари

«Шуҳрат» медали соҳиби Абдужалил Қудратов ҳам шундай илғорлардан биридир. У Қарши шаҳридаги ўрта махсус билим юртини тугатгач, мамлакатимиздаги илғор корхоналардан бири — «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида оператор бўлиб ишлаб келмоқда.

Абдужалил Қудратов, мана, ўттиз беш йилдирки, шу корхонада газни олтингугурт бирикмаси ва углерод оксидидан тозалаш цехининг катта оператори сифатида меҳнат қилмоқда. Устози Жўра Турсунов, шогирдлари Баҳодир Султонов ва Қувондиқ Элмуродовлар билан биргаликда газни тозалаш цехида фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Шу боис, мазкур цехда бир кеча-кундузда 40 миллион кубометргача газ тозаланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётир.

✧✧✧

Суратларда: *корхона цехи кўриниши; оператор Абдужалил Қудратов ва шогирдлари Баҳодир Султонов, Қувондиқ Элмуродов.*

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МФСА ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 йил 28 апрель куни Олмаотада Халқаро Оролни қутқариш жамғармасини таъсис этган мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ БЎҲРОНИНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТМОҚДА

Саудиянинг «Ал-Жазира» газетасида «Жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф қилиш бўйича Ўзбекистоннинг «йўл харитаси» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«Ал-Жазира» газетаси кунига 75 минг нусхада босилиб, Саудия Арабистони подшоҳлигининг барча ҳудудларида, шунингдек, Форс кўрфази мамлакатлари, Миср ва Иорданияда кенг тарқатилади.

Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йил якунларига оид маълумотларнинг таҳлили асосида тайёрланган.

Унда, хусусан, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам маълум даражада салбий таъсир кўрсатган бўлишига қарамасдан, мамлакат жаҳон инқирози бўҳронини нафақат муваффақият билан бартараф этишга эришмоқда, балки ўтган 2008 йилни катта ижобий кўрсаткичлар билан якунлагани таъкидланади.

Мақолада 2008 йилда республиканинг самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид асосли рақамлар келтирилган. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида нафақат жаҳон инқирози оқибатида юзага келадиган таҳдидларни бартараф этишга, балки умуман инқироздан кейинги даврга оид том маънодаги «йўл харитаси»ни тақдим этди, — дейилади.

2-бет

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

«АФРОСИЁБГИПС» ИШГА ТУШДИ

Нарпай туманида техник ускуналар ишлаб чиқариш заводи бундан ўн икки йил муқаддам ўз фаолиятини тўхтатган эди. «Оқтошмева» қўшма корхонаси раҳбарлари бу бинодан фойдаланиб, иш ташкил этишни ният қилишди. Уларга Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари ҳамкор бўлишди. Шу тариқа «Афросиёбгипс» шўъба корхонаси ташкил топди. Корхонани оёққа қўйиш учун 800 минг АҚШ доллари миқдорида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, 380 минг АҚШ долларига Хитойдан тош майдалайдиган ва уни эзиб гипс тайёрлайдиган ускуна олиб келинди.

Ҳозир мазкур корхона тўла қувват билан иш бошлади, 100 нафардан ошиқ ёшлар муқим иш ўринларга эга бўлишди. Ҳар куни 150 тонна қурилиш хомашёси тайёрланиб, ундан гипс маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ

«ЗОМИН МЕБЕЛИ»

корхонаси барпо этилди, бу ўнлаб йигит-қизларни иш билан таъминлаш имконини берди

Зоминлик Икром Ўринбоев ўтган йили «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан 10 миллион сўм миқдорида кредит олиб, замонавий мебеллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди. Айни пайтда «Зомин мебели» хусусий корхонасида 12 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти.

— Қайси ишнинг бошини тутсам экан, деб ўйлаб турган эдим, — дейди Фарҳод Абдураҳимов. — Янги очилган корхонани эшитиб, шу ерга ишга кирдим. Айни пайтда устага шогирд тушиб, ҳунарли бўлаяпман. Жамоамиз йил охиригача 160 миллион сўмлик замонавий мебель тайёрлаб, сотувга чиқариш ниятида.

Дарҳақиқат, корхона муҳри билан чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг бежирим, пишиқ ва арзонлиги билан харидорларга маъқул бўлаяпти.

✓ ЎзХДП ҳаёти

МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР

партия ташкилотларининг энг асосий вазифалари ҳисобланади, дея таъкидланди ЎзХДП Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашлари пленумларида

Юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари вазифаларини амалга ошириш, Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш Халқ демократик партияси ташкилотлари, фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бўлиб ўтган пленумларда ушбу масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг пленумида вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева асосий эътиборни партия ташкилотлари, фаоллар, депутатлик гуруҳларининг юқоридаги масалалар юзасидан амалий жараёнларда иштирокига қаратди. Бу электоратимиз манфаатлари билан бевосита боғлиқ экинини таъкидлади. Вилоят партия кенгашининг 2008 йилги фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида батафсил тўхталди. Партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини чуқур таҳлил қилди. Халқ депутатлари Ғиждувон, Бухоро, Жондор, Олот, Ромитан туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг иши қониқарсиз эканини танқид қилди. Ҳолбуки, бу туманларда электоратни ташвишга солаётган муаммолар оз эмас.

Шунингдек, пленумда ЎзХДП вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ҳисоботи ҳам тингланди. Ўз-ўзини танқид асосида ўтган пленумда БПТ, депутатлар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Партия ташкилотимиз, депутатлик гуруҳимиз шаънига айтилган танқидий фикрлар ўринли, — дейди Ғиждувон туман партия кенгаши раиси Акрам Қурбонов. — Аҳоли зич яшайдиган туманда бирорта ҳам қўшма корхона йўқ. Яратилаётган янги иш ўринлари билан кифояланиб бўлмайди. Айрим жойларда муаммолар борлигига қарамай уларни туман Кенгаши сессияларига олиб чиқишда журъатсизлик қилмоқдамиз.

Пленумда сўзга чиққан Бухоро автомобиль ва йўллар коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамза Муҳамедов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шавкат Каримов ва бошқалар ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашининг пленумида партия шаҳар ва туман кенгашлари раислари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари, депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия фаоллари иштирок этди. Кун тартибидаги масала юзасидан партия вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқовнинг маърузаси тингланди.

Таъкидландики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш қисқариши, ишсизликнинг ўсиши аҳоли турмуш даражаси пасайишига олиб келмоқда. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилган тадбирлар натижасида 2008 йилда иқтисодиётимизнинг барқарорлиги, юқори суратларда ўсишига эришилди. Лекин, жаҳон инқирози бизга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

2-бет

✓ Газетхон фикр-мулоҳазаси

ЯНГИ ЧОРЛОВЛАР ЭФИРГА УЗАТИЛАДИ

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Абдуқаҳҳор Муталов таҳририятимизга йўллаган хатида «Ўзбекистон» телерадиоканали орқали таралаётган вақт сигналларининг таъсирли ва мазмунли бўлиши мақсадга мувофиқ деган мазмунда мулоҳаза билдирган эди. Хат «Ўзбекистон» телерадиоканали раҳбариятига ҳавола қилинди. Яқинда жавоб мактуби олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Аввало, куюнчак мухлисларимизнинг дастурларимизни мунтазам эшитиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши бизни мамнун этди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда радиоканал чорлови мазмунли ва салмоқли бўлиши устида иш олиб борилаётганлиги ва яқин кунлардан янги чорловлар эфирга узатилишини маълум қиламиз.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали давлат унитар корхонаси директори Хуршид ДАВРОН».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 28 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1031,32	1 Польша злотийси	422,32
1 Англия фунт стерлинги	2228,17	1 СДР	2169,64
1 Дания кронаси	256,26	1 Туркия лираси	903,12
1 БАА дирхами	394,67	1 Швейцария франки	1267,82
1 АҚШ доллари	1449,50	1 Евро	2037,27
1 Миср фунти	257,34	10 Жанубий Корея вони	10,78
1 Исландия кронаси	11,18	10 Япония иенаси	150,08
1 Канада доллари	1190,95	1 Россия рубли	43,37
1 Хитой юани	212,36	1 Украина гривнаси	188,25
1 Малайзия рингити	402,42		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• «Агробанк»:

ХИЗМАТ ҚАМРОВИ КЕНГАЙДИ, МАСЪУЛИЯТ ОШДИ



2-бет

• **2012 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДА**

Қуёшда юз берадиган кучли ёғду сайёрамизга таҳдид солади...ми?



3-бет

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

• **БУГУНГИ ҚИШЛОҚ**

унинг қиёфасига ярашмаётган айрим манзаралар ҳақида мулоҳазалар

4-бет

МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОР МАСАЛАЛАР

партия ташкилотларининг энг асосий вазифалари ҳисобланади, дея таъкидланди ЎзХДП Бухоро, Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашлари пленумларида

Хўш, бундай вазиятда партия ташкилотларида асосий эътиборни нималарга қаратиш лозим? Мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаб, давлат дастурларининг асосий қоидаларини электорат орасида тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарур. Иккинчидан, уларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиш халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятининг асосий йўналиши бўлмоғи шарт.

Музоркараларда сўзга чиққан партия фаоли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раиси Энахон Сиддиқова, ЎзХДП Олтиариқ туман кенгаши раиси Бахриддин Раҳимов, Қувасой шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Абдусамад Ҳайдаров ва бошқалар партия дастурий мақсадларига эришиш учун энг аввало, бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари имкониятларидан бу мақсад йўлида самарали фойдаланиш, уларнинг фаоллигини ошириш, сафимиздаги элга таниқли зиёлиларнинг кучини дастурий мақсадлар ижросига йўналтириш каби масалаларга алоҳида тўхталдилар.

Пленум ўз-ўзини танқид, таҳлил руҳида ўтди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Самарқанд вилоят кенгашининг пленумида партия кенгаши раиси Камолбой Исабеков яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленумида муҳокама этилган масалаларни ҳаётга тадбиқ этиш, партиянинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини жамоатчилик орасида кенгроқ тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш каби масалаларга батафсил тўхталди.

— Бугунги кунда ЎзХДП сиёсий майдонда ўз ўрнига эга, — деди у. — Бизнинг асосий вазифамиз, уни янада мустаҳкамлаш, хайрихоҳларимизни янада кўпайтириш, шу орқали дастурий мақсадларимизни амалга оширишдир. Бу вазифаларни адо этишда депутатларга таянамиз. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги жами 540 нафар депутатнинг 242 нафари ЎзХДП вакилларидир. Бу катта куч. Аммо, ундан самарали фойдалана олмаяпмиз. Давлат дастурига кўра, вилоятнинг ўнлаб туманлари, қишлоқларида янги-янги аҳоли яшаш масканлари барпо этилиб, қишлоқ инфратузилмаси янада такомиллаштирилади. Буларнинг барчаси бизнинг партиямиз мақсад-вазифалари билан ҳамоҳанг. Шунинг учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ташаббус кўрсатиб, белгиланган вазифалар сўзсиз бажарилишига эришишимиз зарур.

Жамоатчилик қабулхоналари аҳоли орасида ишонч уйғотди. Буни электоратимиз вакилларининг мурожаатларидан ҳам илғаб олиш мушкул эмас. Ўтган давр мобайнида вилоят партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 600 дан зиёд мурожаатлар бўлган. Шунинг 500 дан ортиғи ижобий ҳал этилиб, партиядошларимиз, хайрихоҳлар муаммолари ечим топди. Партиянинг халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлари ташаббуси билан сессиялар муҳокамасига ўнга яқин масала киритилди. Жорий йилда бундай ташаббусларни янада кўпайтириш, депутатларни фаоллаштириш талаб этилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Фармон Тошевнинг ҳам ахбороти тингланди. Унинг таъкидлашича, гуруҳ томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан депутатлик назорати ўрнатилган. Электоратни қийнаётган масалалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Пленумда, «Фаол аёллар» қаноти раиси Дилбар Имомова, Булунғур туман партия кенгаши раиси Турсун Йўлдошев, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Азиз Аминов ва бошқалар сўзга чиқиб партия фаолиятини янада ривожлантириш, дастурий мақсадларни кенгроқ тарғиб этишда депутатлар ва фаолларни жалб этиш ҳақида фикр-мулоҳаза билдиришди.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✧✧✧

Сиёсий партиянинг обрў-эътибори, нуфузи тарафдорларининг кўплиги, жамоатчилик орасида олиб бораётган амалий ишлари билан белгиланади, дея таъкидланди ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши пленумида.

Холисона, ўзини ўзи танқид руҳида ўтган пленумда вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг 2008 йилдаги фаолияти, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг ўтган йилги иш дастури ижроси ва бошқа масалалар батафсил муҳокама қилинди. Ушбу масалалар юзасидан маъруза қилган кенгаш раиси Шерали Умаров, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳодир Мансуров ютуқлар билан бирга йўл қўйилган айрим камчиликлар, ўз вақтида ечимини топмаган муаммолар хусусида ҳам атрофлича тўхталиб ўтдилар. Томди, Учқудуқ туманларида электорат билан ишлаш, бошланғич партия ташкилотлари фаоллигини ошириш борасида ташаббуслар билан чиқилмаётгани танқид қилинди.

Маърузалар юзасидан музокараларда сўз олган вилоят партия кенгашининг «Халқ ишончи» газетаси Бош муҳаррири Иброҳим Жумаев, партия фаоллари Шаҳноза Одилова, Ойбек Абдумўминов, Абдукарим Ҳамроев ва бошқа партиядошлар, депутатлик гуруҳлари бундан-да жипс, ҳамкор, ҳамфикр ишлаши зарурлиги электоратни ташвишлантираётган муаммоларни аввал биргаликда чуқур ўрганиб, ечими юзасидан таклифлар тайёрлаб, сўнг маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқиш масалалари ҳақида фикр юритдилар.

●●●

Пленумларда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ БЎҲРОНИНИ МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН БАРТАРАФ ЭТМОҚДА

«Президент Ислом Каримов ўзининг янги «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида юзага келган мураккаб шароитда мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг устувор йўналишларини холис ва танқидий таҳлил асосида белгилаб берган. — деб ёзади «Ал-Жазира» газетаси. — Ўзбекистон, глобал иқтисодий маконнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, иқтисодиётдаги аниқ шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ биринчилардан бўлиб инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришди. Дастур назоратини таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди. Инқирозга қарши чоралар дастурида қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган:

Биринчидан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

Иккинчидан, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

Учинчидан, қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини ошириш рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

Тўртинчидан, электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

Бешинчидан — жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга».

— Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсиридан сақловчи тўсиқнинг «ғиштчалари» бирданига ва бугунгидек мураккаб шароитда шаклланиб қолмаган, — дейилади Саудия газетасида. — Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган ўз йўли анча аввал ишлаб чиқилган. Бугун ушбу йўлнинг тамойиллари ва механизмлари нафақат мамлакатнинг узоқ муддатли манфаатларини, балки экстремал вазиятлардан чиқишнинг кафолатини ҳам таъминламоқда. Шунингдек, жаҳон инқирози шароитида ҳам.

Чет эл сармоялари, тўғрироғи, улар ҳажмининг изчил ортиб бориши, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳолатини бундан ҳам яхшироқ ифодалайди: 2007 йил билан қиёслаганда 2008 йилда чет эл сармоялари 46 фоизга ошган, жорий йилда эса улар ҳажмининг янада ортиши кутилмоқда. Бу эса таркибий ўзгаришларнинг янада ортиши, ишлаб чиқариш ўсиши, Ўзбекистон учун иқтисодиётнинг янги етакчи тармоқларининг юзага келишини англатади.

Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий юксалишининг яна бир ўзига хос кўрсаткичи ҳисобланган аҳоли бандлигининг ўсишини ҳам қўлга киритилган ижобий натижалар сирасига қўшиш мумкин: 2008 йилда 661 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган.

Нашрнинг таъкидлашича, «Мамлакатда молия-банк тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида муҳим эътибор қаратиб келинган бўлиб, бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳар доим уларнинг капиталлашув даражасининг ошишини таъминлашга йўналтириб келинган. Бу ўз навбатида Ўзбекистон банк тизими капиталининг етарлилик даражаси капитал базаси ва ликвидлигини кескин оширишга имкон берди. Ўзбекистон банкларининг пул маблағлари ва захиралари ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилашга, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилди».

— Давлатнинг молия-иқтисод, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг барча реал тармоқларининг барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга йўналтирилган оқилона сиёсати, бугунги кунда Ўзбекистонга нафақат банкларни назорат қилувчи халқаро ташкилотларнинг муҳим талабларига риоя этиш билан боғлиқ бўлган барча марраларни забт этишга, балки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини кафолатлашга имкон бермоқда, — дейилади мақолади. — Ўтган йилнинг энг муҳим ютуқларидан бири жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган «Мудис» агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимига бирйўла учта йўналиш, яъни банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «барқарор» рейтинг даражаси берилгани бўлди. Мазкур агентлик ҳисоботида таъкидланганидек, «Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради».

— Ўзбекистонда мавжуд бугунги вазиятнинг таҳлили, энг аввало, фуқаролар фаровонлиги ва жаҳон бозорида мамлакат иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлашга йўналтирилган модернизация қилиш ва янгилаш дастурини давом эттиришнинг нафақат асосли, балки ушбу дастурни давом эттиришнинг ҳаётий долзарб эканлигини яққол тасдиқлайди, — деб якунланади «Ал-Жазира» газетасининг мақоласи.

«Жаҳон» АА,
Ар-Риёд

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ ЎзХДП туман кенгашларида

ФАОЛЛИК БЎЛМАГАН ЖОЙДА

ўзгариш, ўсиш бўлмайди

Хоразм вилоят партия кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар ғояси — 2009» кўрик-танлови ташкил этилгани ҳақида аввал хабар берган эдик. Айни пайтда унинг туман, шаҳар босқичи ўтмоқда. Танловда қатнашиш истагини билдирганлар кўп. Қайси йигит-қиз ўз билими, истеъдодини намоён этиб, танлов ғолиби бўлишни хоҳламайди дейсиз? Фақат Ҳазорасп туманидаги ёшлар бу имкониятдан фойдалана олишмаяпти. Чунки, туманда бу кўрик-танлов ўтказилмаяпти.

Вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Дилшод Солаевнинг сўзларига қараганда, туман кенгаши ёшлар қаноти фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашмаган. Шундай экан, танлов ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Туман партия кенгаши партия сайланма органлари, депутатлик гуруҳлари, фаоллари ижтимоий соҳага йўналтирилган Президент фармон ва қарорлари, давлат ва маҳаллий дастурларнинг жойларда бажарилиши юзасидан мунтазам мониторинг юритиш, ижросини назорат қилиш масалаларида ҳам суст-кашликка йўл қўймоқда.

Электоратимиз, тарафдорларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишда қатъийлик ва ташаббус кўрсатмасак улар ишончини қозониш мумкинми?..

Маълумки, Жамоатчилик қабулхоналари ишининг йўлга қўйилгани фуқароларни, электоратимизни қизиқтирган масала, қийнаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими юзасидан маҳаллий ҳокимлик ва бошқа ташкилотлар олдига масалаларни кўндаланг қўйиш, партиядан сайланган депутатларга бу борада кўмак бериш борасида яна бир имкон бўлди. Бугун жойларда қабулхоналарнинг ўрни, обрў-эътибори анча кўзга ташланиб қолди. Масалан, Хонқа туманида фуқаролар Жамоатчилик қабулхоналарига кўпроқ мурожаатлар бўлаяпти. Бу партия ташкилотининг самарали ишлаётгани, фаоллашиб бораётганини кўрсатади. Ҳазорасп туманида эса бу борадаги ишлар ҳам ўлда-жўлда. Ўтган йили қабулхонага қанча фуқаро мурожаат қилди, уларни қизиқтирган масалалар ечими нима бўлди каби саволларга жавоб ололмадик.

Ҳозир ҲДП бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов жараёни якунланмоқда. Партия аъзолари ўтган даврда ўзлари ҳисобда турган ташкилот ва унинг раҳбари ҳисоботини эшитиб, унга баҳо беришяпти. Суст-кашлик қилган БПТ раислари ўрнига ишчан, ташаббускор кишилар сайланмоқда. Ҳазорасп туман кенгашида юзага келган ачинарли ҳолга бошланғич ташкилотлар, партия аъзолари қандай баҳо бераркин?

Тўғриси, туман кенгашига бош бўлган Гулнора Отажонова камчиликларни тан олди. Аммо, бунга айрим сабабларни важ қилиб кўрсатди. Ваҳоланки, бу нуқсонлар кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ.

Сиёсий фаолиятда етакчи зиммасидаги масъулият жуда катта. Ташкилот фаолияти ҳар жиҳатдан унинг жонкуярлиги, одамлар қалбига йўл топиши, жамоатчилик ишига фаолларни жалб қила олиш қобилиятига боғлиқ, деб ўйлаймиз. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай киши дунёқараши кенг, эл-юрт учун ишлайман, деб ёниб туриши керак.

Партиямиз Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ҳам бу масалага жиддий эътибор қаратилди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Молиявий хизматлар банклараро маркази биноси мажлислар залида республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг вилоят бошқармалари бошлиқлари, ҳудудий филиаллари ва бош офисининг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари, мутасаддилар ходимлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида белгилаб берилган вазифалар, хусусан, мамлакатимиз банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш қатнашчилари ўтган йили вужудга келган, ҳозирда жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини баратараф этиш ўз-ўзидан бўлмаётгани, бунга Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли эришилаётганини қайд этишди.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ОАТБ «Пахтабанк» негизида ОАТБ «Агробанк»нинг ташкил этилиши натижасида банкнинг устувор вазифалари этиб қишлоқ хўжалик комплексига оид барча корхона ва ташкилотларни, хусусан, пахта-дон ва боғ-узумчилик йўналишидаги фермер хўжаликларига тўлиқ, самарали, комплекс банк хизматларини кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш борасидаги вазифалар аниқ белгилаб олинди.

«Агробанк»: ХИЗМАТ ҚАМРОВИ КЕНГАЙДИ, МАСЪУЛИЯТ ОШДИ

Молиявий хизматлар банклараро маркази биноси мажлислар залида «Агробанк» акциядорларининг 2008 йил якунларига бағишланган йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий топтиришда етакчи ўрин тутган ушбу банкнинг 2008 йилдаги даромадлари сарҳисоб қилиниб, шу даврга мўлжалланган стратегик ривожланиш дастурлари ва банк бюджети режалари асосан бажарилганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан ОАТБ «Пахтабанк» ОАТБ «Агробанк»га айлантирилганлиги, шу муносабат билан банк уставининг янги таҳрири акциядорлар томонидан тасдиқланди.

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ташкил этилиши натижасида дунё молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, корхоналар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхона ва компанияларини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари янада кенгайганлиги акциядорлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга ва салмоқли ўринга эга корхоналарни айланма маблағлар билан тўлдириш, кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали қишлоқ жойларда аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш банкнинг асосий вазифаларидан эканига эътибор қаратилди.

Айни чоғда аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, банк инфратузилмасини, хусусан, ҳудудий филиаллари тармоғини ҳамда мижозлар базасини кенгайтириш, банк хизмати ва маҳсулот турларини кўпайтириш, банкнинг капиталлашуви даражасини ошириш, омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялаш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда 82 мингдан зиёд акциядорларига эга бўлган мазкур банк Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят бошқармаси, 186 та филиаллари ва 712 дан зиёд мини банклари орқали 212 мингдан зиёд юридик шахсларга ва 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга комплекс банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Бу кўрсаткичлар сон жиҳатдан келгусида янада ўсиши табиий.

Янгиликка интилиш, хизмат кафолати ва маданиятини изчил ошириб бориш натижасида банкнинг халқаро рейтинги янада ошди. Жумладан, молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиши натижасида 2008 йилнинг 11 августида Fitch Raytings халқаро рейтинг компанияси банкка яна бир бор «Барқарор» тоифадаги тўлиқ рейтингини берди. Банкнинг инвестиция даражасининг халқаро рейтинги олиниши хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан янги имкониятларни очади. Ҳисобот даврида банк «The Banker» журнали томонидан ўтказиладиган халқаро танловида ҳам ғолиб бўлди ва Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб эътироф этилди ҳамда «Йил банки 2008» сертификатига сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банклараро ўтказилган танловда «Энг яхши эмитент банк» номинацияси бўйича бош соврин соҳиби бўлди.

Банкнинг жамланма капитали 2008 йил 31 декабрь ҳолатига 131,2 млрд. сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан салкам 23 млрд. сўмга ошди, бунда устав капитали ҳисобот даврига 50.000 млн. сўмни ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 28,5% га ошди. Кредит қўйилмалари ҳажми эса 730,2 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 414,4 млрд. сўми иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик секторига тўғри келди.

Ўтган йил давомида банк томонидан кичик бизнесни ривожлантиришга 83,4 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Кичик корхоналар ҳамда хусусий фирмалар учун ажратилган микрокредитлар ҳажми 39 млрд. сўмдан ортди. Ушбу кўрсаткичлар 2007 йилдагига нисбатан анча юқоридир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган йил давомида ОАТБ «Пахтабанк» қишлоқ хўжалик ташкилотлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорликнинг ишончли ҳамкорига айланди. Эндиликда бу шарафли ва масъулиятли вазифаларни кенгроқ қамраб олган ҳолда қулай, сифатли ва самарали банк хизматларини «Пахтабанк» негизида ташкил этилган «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки давом эттиради.

(Ўз мухбиримиз)

✓ Тадбир

ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Президент Ислом Каримовнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида хусусий сектор, пуллик тиббий хизмат, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини изчиллик билан ривожлантириш алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Жамиятимиз тараққиётида соғлиқни сақлаш тизимидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзига хос ўрин эгаллаб бораяпти. Бинобарин, Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси, жумладан, унинг Тошкент шаҳар бўлими аҳоли соғлиғини муҳофазалашда хусусий сектор ва пуллик тиббий хизматнинг турларини кўпайтириш, сифат ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратиб келаяпти.

Бу борада бўлим беш йиллик фаолияти давомида шаҳардаги 11 та туман тиббиёт бирлашмаларига қарашли 40 та касалхона ҳамда бошқа даволаш — профилактика муассасалари, хусусий фирмалар билан ҳамкорликни мустаҳкамлади. Натижада айни кунда ассоциацияга 3630 нафар шифокор аъзо бўлди.

Конференцияда Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими раиси Ҳикмат Абдуллаевнинг нодавлат нотижорат ташкилотнинг 2004-2009 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

— Ўтган даврда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда сифат кўрсаткичини оширишга, аъзоларимиз сафини кенгайтиришга эътибор қаратдик, — деди у. — Аҳамиятли томони шундаки, бюджет ташкилотларидан ҳам 18 нафар аъзо тўпладик. 130 нафар аъзомиз хусусий фирма ҳамда хусусий тадбиркорлардир. Шунингдек, Тошкент шаҳар Нефрология маркази билан шартнома тузиб, унинг мажлислар залини қайта жиҳозладик.

— Ютуғимиз ўзимизники, муаммоларни ҳал қилиш учун ҳамкорликни мустаҳкамлаш, сафимизни кенгайтириш керак, мақсадимиз муштарак — эл соғлиғини муҳофазалаш, — деди 4-шаҳар тиббиёт клиник шифохонаси бош шифокори, партиямиз фаоли Ҳусниддин Насриддинов.

Шунингдек, «Омон» хусусий тиббий фирмаси директори Омон Хўжаев, «Шуҳрат Ислом Шайх» хусусий клиникаси бош шифокори Шуҳрат Шайховлар ҳам хусусий секторни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар билдирди.

Санда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Коинот ва биз

2012 ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДА

Қуёшда юз берадиган кучли ёғду сайёрамизга таҳдид солади...ми?

1. Геомагнит тўфони

Американинг NASA космик агентлиги АҚШ Фанлар миллий академияси билан ҳамкорликда Қуёш ёғдусининг зарядли плазмалари (қаттиқ қизиши натижасида ионланган модда) Ерни қандай «ишғол» қилишини илмий фаразлар бўйича ҳисобкитоб қилиб чиқди ва унинг натижалари ҳақида «Коинот об-ҳавоси таҳдиди: ижтимоий-иқтисодий оқибатлар» номли маърузани интернет сайматорини эритиб юбориш қувватига эга. Ва шу ондаёқ 130 миллиондан ортиқ аҳоли электрсиз қолади. Лекин бу таҳддидан ҳеч ким нобуд бўлмайди ва жароҳат ҳам олмайди. Аммо унинг оқибати вақт ўтиши билан юзага чиқа бошлайди. Масалан, сув узатиш тармоқларидан ичимлик суви келиши тақа-тақ тўхтайди, ёнилғи қуйиш шохобчалари ишламайди, нефть ва газ узатиш тармоқлари ишдан чиқади. Ривожланган, замонавий шифохоналардаги алоҳида узоққа чўзилади.

— Агар 1859 йилнинг кузидагига ўхшаш ҳодиса юз берса, бугунги «нозик» технология уни кўтаролмаслиги мумкин, — дейди NASA директорларидан бири, магнитосфера бўйича мутахассис Жеймс Грин.

Ўшанда, яъни бундан 150 йил муқаддам ёш инглиз олими Ричард Кэррингтон дастлаб осмонда ноодатий йирик доғ пайдо бўлганини кузатган. Уни самони кузатиш ускуналарисиз ҳам кўриш мумкин эди.

бутун Европадаги трансформатор «подстанция»ларини ишдан чиқарган. Ўшанда фақат Франциянинг ўзида 5 миллион киши 2 соат давомида электрсиз қолган.

NASA мутахассисларининг башорат қилишларича, Кэррингтон ҳодисасига ўхшаш Қуёш «бўрони» 2012 йил кузда, аниқроғи, 22 сентябрда юз бериши мумкин. Ўшанда Қуёш ёғдусининг фаоллиги энг юқори даражага етади. Бу эса Ер билан Қуёш оралиғида — коинот кенгликларида парвоз қилиб юрган, фақат Қуёшни ва космик об-ҳавони кузатишга мўлжалланган сунъий йўлдошларнинг «тревога» кўтаришига асос бўлади (Сунъий йўлдошларнинг бири Америкага тегишли бўлиб, у 1997 йилда учирилган. Иккинчиси Россияники, у 2009 йил 30 январдан буён орбитада фаолият олиб бораётган «Коронас-Фотон» сунъий йўлдошидир. У «Коронас»ларнинг учинчиси ҳисобланади. Биринчиси — «Коронас-И» 1994 йили Ер орбитасига учирилган ва 2001 йилгача фаолият юритган. Иккинчиси — «Коронас-Ф» 2001 йилда учирилган ва 2005 йил декабрда фаолиятини тугатган).

Лекин улар «бўрон» ҳақида ерликларни огоҳлантирган тақдирда ҳам «бўрон»га қарши ҳимояга тайёргарлик кўриш учун 45 дақиқагача вақт бўлади холос.

— Кэррингтон ҳодисасидан кейин ҳам бундай воқеалар 3-4 марта кузатилган, — дейди Россия Фанлар академиясининг қуёш-ер физикаси институти катта илмий ходими, Иркутск давлат университетининг астрономия обсерваторияси директори, физика-математика фанлари номзоди Сергей Язов. — Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам Ернинг магнитосферасига кучли «зарба» етказолмаган. Бошқача айтганда, Кэррингтон ҳодисасининг қайталанишидан глобал фожиа юзага келмаслиги ҳам мумкин.

Олимнинг айтишича, ҳодиса қайталаниши мумкин бўлган сана ҳам аниқ далилга эга эмас.

Хўш, бу ҳақда бизнинг олимларимиз нима дейди?

Ушбу саволга жавоб топиш учун **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг етакчи илмий ходими, физика-математика фанлари доктори, профессор Исроил Сатторовга мурожаат этдик.**

— Аввало шуни айтиш лозимки, Қуёш фаоллигини асосан унинг юзидаги доғлар сони ўзгариб туриши белгилайди. 2007 йилдан буён Қуёш фаоллиги чуқур минимумда, яъни ўшандан буён Қуёшда деярли доғлар кузатилмаяпти. Бундай узоқ муддатли минимумдан кейин кучли Қуёш фаоллиги ҳеч қачон кузатилмаган. Демак, 2012 йилда тахмин қилинаётган Қуёшдаги портлашлар нафақат 1859 йилдагидек, балки Квебек ҳодисаси даражасидек ҳам хавфли тус олмайди, дейишга асос бор.

Кэррингтон ёғдуни кузатган даврда (1859 йил) Қуёш фаоллиги даражаси Вольф сонида 100 атрофида бўлган бўлса, Квебек воқеасида (1989 йил) 170 атрофида бўлган. Ўтган юз йиллик даврда Қуёш фаоллиги 1958 йили энг юқори даражага (Вольф сони 180) етган, бироқ худди Кэррингтон кузатганидек ёки Квебек ҳодисасидек кучли геофизик ҳодисаларга сабабчи бўлмаган.

NASA ва АҚШ Фанлар миллий академияси мутахассислари тайёрлаган маърузада тилга олинган ҳодисанинг рўй беришини олдиндан айтишда Қуёш фаоллигига таянадиган бўлсак, бундай узоқ муддатли минимумдан кейин юқори даражадаги Қуёш фаоллиги кузатилмайди. Демак, 2012 йил 22 сентябрда рўй бериши мумкин бўлган Қуёш «бўрони»да Қуёш плазмаси оқимининг хавфли таъсири оқибатларидан хавотирланишга асос йўқ.

Алимқул СУЛТОНОВ,
журналист

ти орқали эълон қилди. Уни ўқиганлар турли мишмишларни тарқата бошлади.

Маърузада қайд этилишича, 2012 йилда Қуёшда шундай давр бошланадики, ундан отилиб чиққан зарядланган плазмалар Ергача етиб келиб, барча электр узатиш тармоқларини, шунингдек, нимаики электр қуввати билан ҳаракатга келса, ҳаммаҳаммасини ишдан чиқариши мумкин. Ҳеч қандай огоҳлантиришсиз Ерда электромагнит фожиаси шиддатли тарзда бошланади ва сайёрамиз бу офат олдида ожизлик қилиб, инсоният фан-технология ривожланган XXI асрда яшаётган бўлишига қарамай, бирор-бир чора кўришга фурсати етмайди.

Кўзга кўринмас геомагнит тўфонининг бундай глобал фожиаси Қуёш тожида юз берган жуда улкан ва ўта кучли портлаш ва ундан тарқалган зарядли плазмалар оқибатида юзага келади.

Дастлаб одамлар осмонда қутб ёғдусига ўхшаш ёғдуни кузатишлари мумкин, аммо бу ёғду ўта ёруғ ва кучли бўлади. Сўнг сайёрамиздаги барча электр тармоқлари, трансформаторлар ишдан чиқади...

Экспертларнинг ҳисобкитобларига кўра, Қуёшнинг зарядли плазмаси «зарбаси» 90 сонияда АҚШнинг 300 та трансфор-

электр қуввати ишлаб чиқарувчи тизимлар уч кунгача фаолият кўрсатиб туриши мумкин, сўнг у ҳам... мутахассисларнинг фикрича, бир йилда иқтисодиётнинг «шол» аҳволга тушиши оқибатида улкан муаммолар юзага келиши мумкин.

Бундай магнит бўрони 1859 йилда ҳам юз берган. Аммо ўша пайтда сайёрамиз саноати бу даражада ривожланмагани боис йўқотишлар кам бўлган.

Ҳозир замон нозиклашиб кетган. 1989 йили юз берган магнит бўрони оқибатларини эслашнинг ўзи кифоя. Ўшанда Қуёшдан келган магнит бўрони Канаданинг Квебек музофотини ўз домига олган эди — 6 миллион киши 9 соат давомида тун қаърида қолган, яъни электр энергиясиз яшаган.

Зарядли плазмалар бундан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: Қуёшнинг геомагнит бўронидан сўнг электр тармоқларини созлаш қийинми?

NASA экспертларининг сўзларига қараганда, қуйган трансформаторларни таъмирлаб бўлмайди, фақат янгисига алмаштириш мумкин. Аммо уларни ишлаб чиқарувчи заводлар эса бу пайтда ишдан чиққан бўлади. Шунинг учун ҳам глобал фожиадан сўнг қайта тиклаш ишлари

Кутилмаганда ушбу йирик доғ устида кўзни қамаштирувчи иккита ёғдули шар пайдо бўлган ва у кенгайиб, Қуёшдан ҳам ёруғроқ нур таратган. Тахминан 5 дақиқалардан сўнг шарлар йўқолган. 17 соатдан кейин эса Америка туни яшил ва пушти яшин шуъласидан кундузгидек ёришиб кетган. Бу шуълани Куба, Ямайка ва Гавай ороллари фуқаролари ҳам кўришган. Ўша пайтдаги магнитометрлар (магнит қувватини ўлчаш асбоблари) шуъланинг энергия қувватини ўлчашга кучи етмаган.

Ўша пайтдаги мазкур магнит бўрони астроном номи билан Кэррингтон ҳодисаси, деб юритилади.

2. Хавотирланишга асос йўқ

— Шуниси хавфлики, — дейди Дэниел Бейкер, — энергетика тармоғи ўргимчак тўри сингари бирбирига боғланиб кетган. Биргина узелда юз берган фожиа бутун тармоққа таъсир этади. 2006 йили Германиядаги бир узелда содир бўлган воқеа

✸ Эътироф

«ДЕТЕКТИВФЕСТ» ТАҚДИРЛАЙДИ

Бугунги кунда «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинаётган бир қатор фильмлар халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Яқинда яна иккита фильмимиз Москвада ўтказилган XI Халқаро детектив фильмлар ва ҳуқуқий мавзудаги теледастурлар фестивали — «ДетективФЕСТ»да тақдирланди.

Фестивалда йигирмадан ортиқ давлат вакиллари детектив жанрдаги 230 та киноасари билан иштирок этишди. Унда «Ўзбектелефильм» киностудиясида Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида, Жаҳонгир Қосимов режиссёрлигида суратга олинган «18-квадрат» ҳамда «Инсон» киностудиясида Жасур Исҳоқов сценарийси ва режиссёрлигида яратилган «Ҳақиқий эркаклар ови» фильмлари махсус дипломларга сазовор бўлди. Жаҳонгир Қосимов фестивалнинг «Энг яхши ҳарбий детектив» номинацияси бўйича мукофот ва диплом олган бўлса, Жасур Исҳоқов «Саргузашт детектив» номинацияси бўйича мукофотланди.

— Ҳар иккала фильмда бугун жаҳон аҳлини ташвишга солаётган муаммолар — терроризм ва гиёҳвандликнинг жирканч қиёфаларини очиб беришга ҳаракат қилинганди, — дейди Жаҳонгир Қосимов. — Фестиваль жараёнидан олган хулосамиз шу бўлдики, бундан кейин яратиладиган ҳар бир фильмимизда жаҳон киносининг ҳозирги ютуқларидан кенг фойдаланишимиз керак.

Зуҳра ҲАСАНОВА



ЙОНБЕНДАГИ РЕАКТОР
ишга туширилди



Маълумки, шу йил 14 апрелда 15 йилдан бери якунини топмаётган ядро муаммоси бўйича олти томонлама музокаралардан чиққанлигини расмий билдирган Шимолий Корея яна ядро дастурини жонлантириб, Йонбендаги ядро объектида плутоний ишлаб чиқаришни бошлаганини маълум қилди.

Корея Халқ Демократик Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибининг айтишича, дейилади Корея марказий телеграф агентлиги хабарида, плутоний ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳақидаги қарор шунинг учун керакки, душманларча муносабатдаги ташқи кучларнинг ўсиб бораётган ҳарбий таҳдидларидан ўзини ҳимоялаш учун ядрога эга бўлиш Шимолий Кореянинг бирдан-бир мақсадидир.

Дарвоқе, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг санкция қўллаш қўмитаси КХДРнинг учта йирик компаниясига санкция қўллади. Яъни уларнинг хориждаги ҳисоб рақамларини «музлатиб» қўйиш ва БМТга аъзо давлатларнинг бу компаниялар билан ҳамкорлигини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ҲАР ТЎРТ ОФИЦЕРДАН БИРИ
истеъфога чиқарилади

Ўтган йил кузда Россияда янги кўринишдаги армия тузишга қарор қилинган эди. Бунинг учун ҳарбий ислоҳотлар амалга оширилади. Ушбу ислоҳот ҳарбий тузилмани тўрт тизимли (ҳарбий округ — армия — дивизия — полк) бошқарувдан уч тизимли (округ — тезкор қўмондонлик — бригада) бошқарувга ўтказишни ҳамда марказий бошқарув органларини қайта тузишни, офицерлар таркибини қисқартиришни, прапоршчик ва мичманлар институтини тугатишни ва бошқа чораларни амалга оширишни назарда тутади.

Россия мудофаа вазирининг ўринбосари Николай Панковнинг «Новости» АА журналистига маълум қилишича, Москва шаҳри ва Москва вилоятида ҳар тўрт офицердан бири истеъфога чиқарилади.

Умуман, 2012 йилгача қуролли кучлар таркибидаги ҳарбий хизматчилар 1,13 миллиондан 1 миллионга камайтирилади. Марказий ҳарбий аппарат икки ярим бараварга қисқартирилади ва 8,5 минг кишига келтирилади. Армия ва флотдаги офицерлар сони 150 мингни ташкил этади. Ҳозир уларнинг сони 355 минг нафар.

Яқин кунларда мамлакат қуролли кучлари таркибидан 117 минг офицер қисқартирилади. Бу рақам Москва шаҳрида 12 мингни, Москва вилоятида 18 мингни ташкил этади.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ ВА НОУТБУКЛАР
олиб кириш чекланди

Ўтган ҳафтанинг шанбасидан бошлаб Украинага четдан мобиль телефонлари ва ноутбуклар олиб кириш чекланди. Яъни бир киши иккитадан ортиқ мобиль телефони, ноутбук, видеокамера, GPS навигация мосламаси, тўрттадан ортиқ автомобиль сигнализацияси ва радиобошқарувли болалар ўйинчоқлари олиб кириши мумкин эмас.

Алоқани мувофиқлаштириш масалалари бўйича Украина миллий комиссияси шундай қарор қабул қилди.

Кимки республикага кўплаб электрон воситалар олиб кирмоқчи бўлса, махсус рухсатнома олиши лозим. Бундай рухсатнома давлат радиочастоталари маркази томонидан берилади.

Ушбу чеклов сифатсиз электрон технологиялар импортини камайтириш учун жорий этилди, дея хабар беради «правда.ru» сайти.

30 июлдан бошлаб мобиль алоқа операторлари республикага қонуний йўллар билан келган мобиль телефонларинигина алоқа тармоғига улайди.

«ЧЎЧҚА ГРИППИ» ВИРУСИ
хавф солмоқда

Мексикада янги касаллик — «чўчқа гриппи» авж олиб бормоқда. Унинг тарқалиши март ойи ўрталаридан бошланган бўлса, айни пайтгача 68 кишининг ёстиғини қуритди, салкам 1 миллионга яқин одам ушбу вирус билан касалланган.

Ҳозир Мексикада мактаблар ёпилган, касаллик авж олган ҳудудларда ёппасига эмлаш чоралари амалга оширилмоқда. 20 миллион аҳолига эга Мехико шаҳрида оммавий тадбирлар ўтказиш тақиқланди.

Британиянинг «BBC» телерадиокорпорацияси хабар тарқатишича, Американинг Калифорния (5 киши) ва Техас (2 киши) штатларида ҳам худди шундай вирус билан касалланганлар қайд этилган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аввал ҳеч қаерда — на чўчқаларда, на одамларда учрамаган бу вирус штаммларига қарши кураш учун «Тамифлю» махсус дориларини тайёрламоқда. Шунингдек, Мексикага ўз мутахассисларини жўнатиш тадбирларини кўрмоқда.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«САМАРҚАНД» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ

қуйидаги иншоотларни тўлиқича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
ЛОТ 1-2:				
Лот-1	«Самарқанд» халқаро аэропорти ЁММ омбори лабораториясининг қурилиши	383 135 528 сўм	319 279 607 сўм	3 ой
Лот-2	«Самарқанд» халқаро аэропорти ЁММ омборидаги мавжуд лабораторияни «Джет А-1» авиа ёқилғисини қабул қилиш ва тарқатиш учун насос станциясига реконструкция қилиш. Ёқилғи ташувчига ёқилғи қуйиш мосламаси қурилиши. Технологик қувурларни ва резервуарларни реконструкция қилиш.	196 095 100 сўм	163 412 583 сўм	3 ой

Қурилиш ишлари «Самарқанд» халқаро аэропорти ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили:
Самарқанд шаҳри,
академик В.Абдуллаев
кўчаси 1-уй,
телефон:
(8-366) 230-86-99,
232-04-82.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференцияларни эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:
Самарқанд шаҳри,
Кўк-Сарой майдони,
корпус-2Д, 403-хона,
тел: 231-13-51,
факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — *70 000* сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, академик В.Абдуллаев кўчаси, 1-уйда соат 10.00 да «Самарқанд» халқаро аэропорти биносида ўтказилади.

❖ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

БУГУНГИ ҚИШЛОҚ

унинг қиёфасига ярашмаётган айрим манзаралар ҳақида мулоҳазалар

«Қаҳрамон» қишлоғи Дўстлик туманидаги ўнлаб қишлоқларнинг бири. Айни пайтда бу ерда 875 та оила, 5779 нафар аҳоли истиқомат қилади. Унда 2 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача тарбия муассасаси, 1 та қишлоқ врачлик пункти, ўнлаб хусусий дўкон, ошхона ва бошқа хил аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 13 та кўча атрофида жойлашган хонадонларнинг аксарияти табиий газ, тоза ичимлик суви, электр қувватидан тўла баҳраманд.

Аммо ҳар тўкисда бир айб, деганларидай қишлоқ бўйлаб айлансангиз, унинг катта-кичик кўчаларини пою-пиёда кезсангиз, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, қурилишлар, ободончилик юмушлари билан яқиндан танишсангиз, ўйланиб қоласиз, кўнглингизда хижиллик пайдо бўлади. Бу адрас тўнга солинган чипта ямоқдай, қишлоқ кўркига ярашмаётган, таъбир жоиз бўлса, унинг кўркам қиёфасини бузиб турган айрим қўшимча қурилишлару, ҳар ким ўзича барпо этган ёрдамчи биноларни кўрганингизда масаланинг моҳияти намоён бўлади. Чунки, икки қаватли уйда яшаётган кимдир уйи яқинидан молхона қуриб олган бўлса, ҳовлида истиқомат қилаётган бошқа биров тандирхонасини кўча томонга бир-бир ярим метр чамаси ўтказиб қурган. Оқибатда икки қаватли уйда яшаётган фуқаролар бу ерда молхона туфайли содир бўладиган антисанитария ҳолатидан азият чекаётган бир пайтда, ўзи шундоқ ҳам анча тор кўчанинг янаям торайиб қолгани шу йўлдан ўтаётган автотранспорт эгалари, қоласверса, йўловчиларга маълум даражада қийинчиликлар туғдирмоқда.

Бу манзарадан кўз юмган тақдиримизда ҳам уй-жой учун деб ер олган айрим фуқароларнинг негадир йиллар давомида қурилишни бошлашни «унутиб» қўйишаётганига нима дейсиз? Савол пайдо бўлади: уй-жойга эҳтиёж, зарурат йўқ экан, участка учун ер олишга не ҳожат эди?! Ахир сиз олган шу жойни фарзандлари, келинлари, неваралари билан бир уйда қисиниб-қимтиниб яшаётган, қўшимча уй-жойга эҳтиёжманд бошқа бир фуқаро, ҳамқишлоғингиз олса маъқул бўлмасмиди?

Шарофат ТУРДИНИЁЗОВА, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Кейинги ўн йилда қишлоғимиз бўйича 246 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун 62 гектардан кўп ер майдони ажратиб берилди. Шулардан 81 нафар фуқаро ҳалигача қурилиш ишларини бошламаган. Амалдаги тартибга кўра, икки йил ичида қурилиши бошланмаган ер участкалари ҳокимлик захирасига олиб қўйилиши зарур эди. Лекин биз арқонни узун ташлаб, фуқароларимизнинг уй-жой қуришга киришишларини ҳали-ҳамон кутаяпмиз.

Раис айтганидай тағин бироз «кутиш», фуқаролар учун яна бир бор имконият берган яхшидир. Бироқ, шу тарзда ўнлаб гектар унумдор еридан йиллар давомида фойдаланмаслик оқибатида кўрилаётган иқтисодий зарар-чи? Унинг ўрнини қандай қоплаш мумкин?

Шу аснода айрим фактларга, мисолларга мурожаат қилайлик. Бир пайтлари «Янги ҳаёт» кўчасидан пенсионер Жамол Тожибоевга 0,25 сотих ер майдони уй-жой қуриш учун ажратилган эди. Жамол ака ўғиллари билан баҳамжиҳат ҳолда ишга киришди ва бир-икки йил ичида ўғли Ўткирнинг оиласига бинойидек уй қуриб берди. Айни пайтда атрофи дов-дарахтлар билан қўршалган, ҳовлиси гулзор, турфа хил экин-тикинлар экилган, олди айвонли бу уйга кўпларнинг ҳаваси келади. Помидору картошкадан тортиб, сабзи пиёзу, кўкатларгача томорқада етиштириладиган, молхонада сигир-бузоқ, қўю-қўзидан ташқари товуқ ва жўжагача парваришланаётган ҳовли ҳамиша тоза ва озода, саранжом-саришта эди. Бу кўчадаги тижоратчи Карим Такабоев учун ажратилган ер участкасини олайлик. Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам уй-жой қуриш учун ажратилган ер қандай олинган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича турибди. Ақалли пойдеворига ҳам қўл урилмаганига ҳайрон қоласиз.

Бошқа бир мисол ҳам сизни мушоҳада қилишга, ўйлашга, фикрлашга ундайди. Қишлоқдаги 14 та икки қаватли уйларнинг бири — Навбаҳор кўчасидаги 8-уйда фуқаро Рустам ака Каримовлар оиласи истиқомат қилади. Эрхотин икки ўғли, икки келини билан бир хонали уйда қисиниб-қимтиниб яшаб келишди. Яқинда бу катта оила уйлари яқинидан сигир-бузоқ сақлаш учун молхона ва қўшимча бир хонали уй қуришди. Аслида бу нарса мумкин эмасди. Лекин ноилож? Энди эса қўни-қўшилари улардан амалдаги тартиб-қоидаларга хилоф равишда қурилган молхона ва қўшимча уйни бузишни талаб қилишаяпти. Нимаям дейсиз? Молхона ва қўшимча уй қурган ҳам, қўни-қўшилар ҳам қайсидир маънода ўзларича ҳақ.

Очиғи, бугунги қишлоқларимизнинг шаклу шамойилига салбий таъсир ўтказаётган бу каби ҳолатлар, нуқсонлар деймизми, лоқайдликлар деймизми, нафақат шу қишлоқ учун, балки тумандаги, қоласверса, вилоятдаги бошқа баъзи қишлоқлар учун ҳам хос ва тегишли эканлигидан кўз юмолмаймиз.

Хўш, бугун қишлоқнинг қиёфаси аслида қандай бўлиши керак? Аҳоли турмуш фаровонлигига бевосита ёки билвосита дахлдор бўлган қишлоқ инфратузилмаси-чи?

— Одатда, уй-жой қуриш учун ер-участкалари қатъий тартиб бўйича биринчи, навбатда шундай ер майдонларига эҳтиёжманд фуқароларга ажратилади, — **дейди Дўстлик туман меъмори Мансуржон Ялғошев.** — Сўнг бу ерларда қурилиш ишлари меъморчилик талаблари бўйича амалга оширилиши зарур. Меъморчилик талаблари бузилган тақдирда айбдорларга нисбатан кескин чоралар кўрилиши белгилаб қўйилган. Чунки ҳар ким уй-жойини ўз ҳолича, ўз билганича қуриб олаверса, қишлоқнинг яхлит қиёфаси, ундаги меъморий ечимлар, бир бутунлик, қоласверса, қишлоқ инфратузилмаси, газ, электр қуввати, ичимлик сув таъминоти нима бўлади? Бу масалалар билан боғлиқ катта-кичик муаммоларнинг ечими-чи?

— Нафсиламбирини айтганда, бу борада кўп нарса одамларнинг ўзларига боғлиқ, — дейди қишлоқнинг Деҳқонобод кўчасида истиқомат қилаётган **фермер хўжалиги ишчиси Барот Нуралиев.** — Биз уй-жой қурмоқчимизми, унинг лойиҳаси, меъморий ечимлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймизда, қишлоқдаги бир-иккита «уста»га мурожаат қиламиз. Усталарнинг диди, қувваю-ҳофизаси, малакаси ҳам ўзларига яраша. Улар уй-жойимизни бир хил андозада, ҳеч қандай лойиҳасиз шундоқ чама-чамалаб қуриб ташлашади. Натижада уйимиз ҳам, молхонамиз ҳам, ошхона-ю ёрдамчи биноларимиз ҳам кўп ҳолларда режасиз барпо этилади. Оқибатда дарвозадан кирган заҳотиёқ молхонага кўзингиз тушади, ҳовлининг этагида эса ошхонагга жойлашиб қолади... Яна бир метр бўлсаям кўпроқ ерни фойда кўриб, молхонасини кўча томонга чиқариброқ қурган ҳамқишлоққа нима дейсиз?

— «Янги ҳаёт» кўчасида яшайман, — **дейди оқсоқол Сувон Курбонов.** — Кўчамизда истиқомат қилаётган айрим фуқароларнинг ўз ҳолича уйларига газ ўтказиб олганларига гувоҳман. Ўзингиз ўйланг, хонадонига табиий газни биров ундай, биров бундай, билиб-билмай ўтказиб олаверса, оқибати қандай кечади? Ёнғин хавфсизлигига боғлиқ томонлари-чи?

Тўғриси, қандай уй қуриш кишининг диди, фаросатига боғлиқ. Маҳалла, қишлоқ қиёфаси ўша ерда яшаётганларнинг маданиятини ҳам белгилайди. Афсуски, айримлар замонавий қишлоқ қиёфасини данғиллама уй деб тушунади, яна кимлардир бошпана бўлса кифоя қабилида йўл тутади. Аслида, қишлоқ қиёфасида халқнинг миллий турмуш тарзи мужассамлашади.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ишлаб чиқилган дастурга асосан юқоридаги нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилади, албатта. Аммо масалага маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ зиёлилари ҳам кўпроқ эътибор қаратишлари зарурга ўхшайди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

❖ Истеъдодлар кўрик-танлови

«МЕНИНГ ОРЗУ-ИСТАКЛАРИМ»

Куни кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тиббиёт коллежи талабалари ўртасида «Менинг орзу-истакларим» мавзуида расмлар ва иншолар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда коллежда таҳсил олаётган талабалар санъат ва адабиёт соҳасида ўз истеъдодларини намойиш этишди.

Кўрик-танловда ғолибларни аниқлаш ҳам анча қийин кечди. Чунки талабалар чизган суратлар ранг-баранг, ёзган иншолари қизиқарли эди. Ҳар бир ёшнинг ҳаётга бўлган қизиқиши, олдига қўйган улкан вазифалари, орзу-истаклари ижодий ишида яхши баён этилганди. Кўрик-танлов ҳайъати Лазиза Исроилова, Жаҳонгир Ғафуржонов, Нилуфар Исмоилова, Мафтуна Қаюмова, Баҳодир Темировларнинг ишларини совринга лойиқ кўришди.

— Танловда биринчи ўринни эгаллаганимдан хурсандман, — дейди Хуршида Абдусобирова. — Ёзган иншомда боғдорчилик бўйича келажакда қилиниши зарур бўлган фикрларимни баён қилгандим. Ҳар баҳор фаслида ўтказиладиган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари вақтида ўзимиз яшаётган турар жойимизга қандай мевали дарахтлар ўтқазилиши, қандай гул кўчатлари экилиши, ўз томорқаларимизда нималар етиштириш мумкинлиги тўғрисида таклифларимни ёзгандим. Чунки уйларимиз, кўчаларимиз дарахтзор билан обод, кўркам ва гўзал кўринсин, шу ерда яшовчилар уларнинг меваларидан ҳам баҳраманд бўлишсин.

Умида МАНСУРОВА

СПОРТ

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси еттинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди

Бу йилги баҳсларни кўтаринки руҳда бошлаган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси сафар учрашувларида «Пахтакор» ҳамда «Насаф» жамоалари билан очко бўлишган эди. Темирйўлчилар ушбу турда «Навбаҳор» вакиллари меҳмони бўлди. Гарчи, пойтахтликлар имкони юқори баҳоланган бўлса-да, майдонда уюшқоқлик билан тўп сурган мезбонлар ғалаба қозонишди — 2:0.

Бекободда ўтган «Металлург» — «Насаф» жамоалари баҳси ҳам кўпчиликнинг диққат марказида турди. Унда меҳмонлар ҳужумкор футбол намойиш этиб, бекободликларни майдондан бош эгиб чиқишга мажбур қилишди — 1:3.

Шунингдек, турнинг бир қатор кутилмаган натижалари «Машъал» — «Хоразм» ҳамда «Нефтчи» — «Шўртан» жамоалари ўйинларида кузатилди. Муборакда мезбонлар навбатдаги мағлубият (1:2) аламини тортган бўлишса, Фарғонада кучлар тенг келди — 1:1.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Пахтакор» — 0:2, «Динамо» — «Андижон» — 1:1, «Қизилқум» — «Бухоро» — 3:2, «Бунёдкор» — «Олмалиқ» — 3:1.

Саккизинчи тур ўйинлари 30 апрель — 3 май кунлари бўлиб ўтади. Эртага эса «Пахтакор» — «Насаф» жамоаларининг кечиктирилган баҳси «Пахтакор» марказий стадионида соат 18.00 да бошланади. Бу ўйин нафақат турнинг, балки бу йилги мавсумнинг марказий учрашувларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Эркин ХОЛБОБО

❖ Инсон хотираси — азиз

ВАФОНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли шоир ва драматург Ҳамид Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира тадбири бўлиб ўтди. Унда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида чоп этилган адибнинг «Ассалом, ўзбегим» сайланма китоби тақдимоти маросими ҳам ўтказилди.

— Ўз халқинг, ўз давлатинг хизматидан буюкроқ, шарафлироқ бурч йўқдир, — деб ёзганди Ҳамид Ғулом «Йиллар, йўллар, устозлар» асарида. — Халққа, ҳаётга яқинлик, жамиятга, одамларга кераклилик ёзувчи учун бахтдир.

Ҳамид Убайдулла ўғли Ғуломов (1919-2005) Тошкентнинг Арпапоя маҳалласида туғилди. У мактабни тугатгач, Ўрта Осиё индустриал институти ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетида ўқиди. Ўзбекистон радиосида дикторлик қилди. Бизнинг газетамизда ўн йил (1944-1954) самарали фаолият кўрсатди. Москвадаги Олий адабиёт курсида таҳсил олгач, «Литературная газета»нинг мамлакатимиздаги мухбири бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири ва нашриёт (ҳозирги Ғафур Ғулом номидаги НМИУ) директори бўлган даврида ажойиб ташкилотчилик қобилияти билан миллий адабиётимизда янги асарлар яратилишига ва жаҳон адабиёти дурдоналарининг ўзбек тилига таржима қилинишига катта ҳисса қўшди.

Ҳамид Ғуломнинг дастлабки шеърлари 1936-37 йилларда вақтли матбуотда эълон қилинди. Унинг Пушкин, Лермонтов асарларини ўзбек тилига ўгириши, ижодий маҳоратини оширди, ҳикоялари билан ҳам эл назарига тушди. Шу тариқа адибнинг «Машъал», «Тошкентликлар», «Мангулик» каби романлари, «Олмос қизи», «Вафонинг узун йўли» сингари қиссалари, қатор шеърий тўпламлари, ҳикоя ва таржима китоблари халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Унинг «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар» каби пьесалари асосида саҳналаштирилган спектакллар узоқ йиллар томошабинларга завқ-шавқ улашди, «Ёр, кел», «Соат санадим», «Ассалом, ўзбегим» сингари шеърлари қўшиқ бўлиб, ҳамон кўнгилларга ором бағишлаяпти.

— Атоқли адиб, шоир, драматург, таржимон, жамоат арбоби, катта оила бошлиғи Ҳамид Ғуломнинг 90 йиллигини нишонлашга йиғилиб турибмиз, — деди тадбирни очар экан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов. — Ҳали бундай хотира йиғилишлари ўқув масканларида, ташкилотларда кўплаб ташкил этилади. Ўзи ишлаган ижод уйида чоп қилинган «Ассалом, ўзбегим» сайланма китоби қўлма-қўл ўқилади.

— Ҳамид Ғулом тенгдошларимиз орасида жуда билимдон эди, — деди адибнинг дўсти, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло. — Биз унга ҳавас қилардик. Гинахонликни, маишатни билмасди. Вақтини меҳнатга, ижодга сарфларди. Шу боис ундан эзгу ишлар, ажойиб асарлар қолди.

— У йигирманчи асрни файзиёб қилган адиблардан бири эди, — деди таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуров. — Узоқ йиллар бирга ишлаганим учун унинг ташкилотчилигини кўриб, ҳайратга тушардим. Ҳар доим унинг ташкилотчилиги адабиётимизни, санъатимизни юксалтиришга, ижод аҳлининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиларди.

Шунингдек, тадбирда сўзлаган бошқа адиблар ҳам Ҳамид Ғуломнинг ҳаёти ва ижодига боғлиқ ибратли жиҳатлар тўғрисида гапириб беришди.

Адиб Ватанимиз мустақиллигини кучоқ очиб кутиб олди, ҳурриятни фахр-ифтихор билан куйлади:

Шундай замон келди, навқирон насл,
Аввалги ўн фасл — ҳозир бир фасл.
Қолиб кетмай десанг карвондан ортда,
Отингга қамчи бос, интил муттасил.

Унинг интилишлари, самарали меҳнати ва ижоди ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланди. Ҳамид Ғулом «Эл-юрт ҳурмати», «Меҳнат шуҳрати» орденлари ва «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

Дарҳақиқат, умр йўлдоши Манзура аянинг «Бахтли ҳаёт нима?» деган саволига «Вафонинг узун йўли» деб жавоб берган Ҳамид Ғулом ҳаёт йўлида халқига, яқинларига, адабиётга, эътиқодга вафо қилиб яшади. Вафодан яралган асарлари ҳамон юртимизда баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилаяпти. Адиб ўзи орзу қилгандай, унинг яратган асарлари халқимизга бундан кейин ҳам керак бўлиб қолаверади.

Асрор МЎМИН

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «TOSHKENT XALQARO AEROPORTI»

объявляет тендер

на приобретение тягача, предназначенного для буксировки воздушных судов взлетной массой более 400 т.

Сроки тендера с 25 апреля по 30 мая 2009 г.

Желающих предложить свои услуги, просим прислать по адресу: 100167, г. Ташкент, ул.Садыка Талипова, 13, Зам. директора аэропорта по НС Ким В.С. или по электронной почте (sapernya1950@mail.ru) заявку на получение тендерной документации. В заявке указать желаемый для Вас способ пересылки документов (почта, электронная почта) и указать соответствующие адреса и телефоны.

Срок приема заявок до 5 мая 2009 г.

Дополнительную информацию можно получить по телефону 8-10-99871-140-29-54 или факсу 8-10-99871-140-28-48 — спросить Семена Аркадьевича.

Термиз давлат университети жамоаси университет ректори Зоир Чориевга онаси **Маҳтара ФОЗИЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
13906 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.00
Sotuvda erkin narxda